

Хотира

БУ ХУСУСИНИНГ ОТИ ИЙМОНДИР

Бу мавзуда ёзиш у ёнда турсин, у ҳақда уйлашнинг ўзи ҳам оғриқли. Аммо ёзишим керак...

мадим. Юракка санчиглиқ ҳанжар каби зирқирғи турғун. Олиб ташлай дейсиз, оловфасиз. Ва ўшал шарафсиз кунларнинг шарафсиз муаллифларини лавнаб-лаънатлаб яна яшайверасиз.

Эрталаб соат 8.00 дан бошлаб Комолон қабростонига одамлар зиёратга сел каби оқиб кела бошлади: мактаб ўқувчилари ўспиринлар, ўсмир қизлар, муаллимлар, ёзувчилар, шоирлар, давлат арбоблари, диндорлар, олимлар...

Сўнгра Одил Ёқубовга сўз берди. Сўз бераркан: «Одил Ёқубов ёшлик йиллари Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романини ҳамма вақт ўзи билан олиб юрган. Японияга қарши жангга сафарбар бўлганида ҳам ўзини аскарлик қочқинга бу романини олиб юргизди».

Олийғоҳнинг иқтисодий жугрофия куллиётининг доценти М. Набиқўжаевнинг хотиралари йиғилганларни бениҳоя ҳаяжонга солди. Мен «Утган кунлар» романини олиб, ўқиб юрганим учун «Советларга қарши ташвиқотчи» деб айбланган уч йил қамоққа ҳукм қилдилар.

Нуралдин Мухитдинов 20-йиллар адабиётининг оқиниш тарихи, Ўзбекистонда 50-йилларда ўтказилган энциклопедия курултойининг тарихий аҳамияти, Абдулла Қодирий шахсиятининг наҳрамонлик моҳияти ва улуг адибнинг ўз ҳаётида қолдирган таъсири ҳақида сўзлаб, жумладан бундай деди:

Мирмуҳсинлар улуг адиб хотираси билан алоқадор кўпгина фикрларни ўртага ташлади. Абдулла Қодирий ҳозирги замон ўзбек наслининг энг гузал намунасини яратди, — деди Усмон Азим, — кейинги ўзбек эдиблари ана шу олий намунага қараб иш тутдилар, романчиликни ўша даражада кўтариб туришга интилдилар. Биз эса Қодирий замондошларининг хотираларини ёзиб олишимиз, ва келажак авлодларга қолдиришимиз керак. Токи, мустикаллик ўз-ўзидан келмаганини, бу йўлда қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини англаб етсинлар. Биз Абдулла Қодирийдек улуг зот яшаб ўтган ана шу масканни обод қилишимиз, муқаддас зиёратгоҳга айлантиришимиз лозим.

Маҳалла фаолларидан Насриддин хўжа ана Йиғилганларнинг эътиборини бир нарасага қаратди: — Нега кўпдан-кўп асарлар тез унутилади? Нега Абдулла Қодирий асарлари унутилмайди? Унутилган асарларда санъат унсурлари йўқми? Гап бунда эмас, санъат унсурлари бор эди, аммо унутилди. Бунинг сабаби: жуда муҳим ҳусус билан боғлиқ. Бу ҳусуснинг оти — иймондир. Абдулла Қодирий иймонли ёзувчи эди. У давр ўйинларига қараб, рақса тушмади. Ҳақ учун, адолат учун Аллоҳ учун ишлади. Шу сабабли қўниг асарларига мангулик муҳри урилган. Эшлариниз бунинг унутилмасин. Халқ йўлида, Ватан йўлида иймон билан ҳалол ишлашга Абдулла Қодирийдан ўрганишимиз, — деди у.

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ.

«НЕФТЧИ» — БЕШ МИНУТИ КАМ ЧЕМПИОН



ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон II миллий чемпионати ниҳоясига етай деб қолди. Жамоалар яна бор-йўғи тўрт мартадан майдонга чиқмади. Соғиналар учун кураш олиб бораётган жамоалар баҳсига деярли ойдинлик кирган бўлса, олий лигани тэрк этувчилар ҳанузгача номаълум бўлиб турибди.

Кейинги икки турда мавсумнинг энг қизиқарли аҳамияти жиҳатидан муҳим бир қанча учрашувлари ўтказилди. Кўпчилик футбол мухлислари диққат эътиборида турганлиги учун марказий учрашувларнинг айримлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

«Навбахор» — «Темпрйўлчи». Ушбу учрашув 30 августда ўтказилиши керак эди. Маълум сабаблар билан кечиктирилган бу ўйин вақти турнир жадалининг юқори погонасида бораётган жамоалар ўртасидаги кураш аини авж палласига чиққан даврга тўғри келди. Агар «Навбахор» галаба қилса, иккинчи ўринда келадиган «Пахтакор» билан ўрталарида очколар фарқи бор-йўғи битта бўлиб «кумуш» учун кураш янада мураккаблашади. Наманганликлар бунинг улдасида чиқинди. Учрашув 2:1 ҳисобида «Навбахор»нинг галабаси билан тугади. Табиийки, бу навбатдаги тур ўйинларининг янада кескин ўтишига тўғри келди.

МХСК — «Пахтакор». Олдинги турда «Нефтчи» устидан қозонилган галаба «Пахтакор»нинг чемпионлик учун курашини давом эттиришига имкон туғдириганди. Бунинг устига «Нефтчи» шу кунги «Навбахор» билан ўзаро куч синашаётганиди. Фарғонадаги учрашувда қандай натижа қайди қилинмасин, у «Пахтакор» учун ханф туғдиради, ушбу учрашувда улар фақат галаба қозониши лозим эди. Аммо еттичи дақиқадаёқ собиқ ҳужумчиси Азамат Абдураимовнинг пахтакорчилар дарвозасини заъф эттиши бироз уларни эсанкиратиб қўйди. Лекин тез орада ташаббусини қўлга олиб, «Пахтакор» урта навоб тўпи киритишга муваффақ бўлди.

«Нефтчи» — «Навбахор». Водийнинг бу икки етакчи жамоалари ўртасидаги учрашув доим кескин кураш остида ўтади. Мавсумнинг «олтин» ва «кумуш» медаллари тақдирини айнан шу учрашувда ҳал қилинди десак, хато қилмаймиз. Ага бу ўйинда «Навбахор» ютиб чиқсада биринчи ва учинчи ўрин ўртасида очколар фарқи иккита бўлиб, мавсумнинг охирига тўра шулар янада кескинлашиб кетарди. Бироқ фарғоналиклар бунга имкон қолдиришмади. Учрашувнинг 48-дақиқасига ярим ҳимоячи Рашид Бозоров «Навбахор» дарвозасини уч марта ишғол қилди. Шу билан «Нефтчи» ўйинчилари галабани нақд билиб, бироз хотиржамликка берилишди.

барлари аини кундаги ўйинчиларини сақлаб қолишга эришса, жамоа келаси йилдан муваффақият чўққиларига кўтарилишига умид қилиш мумкин. Муҳими, жамоа таркибини деярли ёшлар ташкил қилади.

«Пахтакор» — «Сўғдиёна». Ушбу учрашувни ҳам мавсумнинг энг қизиқарли ўйинларидан бири бўлиши мумкин. Фақат биринчи бўлимин ҳисобламаганда. Танаффусгача ҳар икки жамоанинг ўйини деярли қовушмади. Ўйингоҳга яхши футбол учрашувини кўриш учун келган томошабинлар ҳам биринчи бўлимда норозиликларини билдириб туришди. Иккинчи бўлим «Сўғдиёна»нинг ўйин услубини ўзгартариши, яъни ҳимоядан ҳужумга ўтиши билан бошланди. Улар шундай қилишга мажбур эди. Негаки улар 0:1 ҳисобида ютказётганди. Ўйин услубини ўзгартариш дастлаб «Сўғдиёна» учун қўл келди. Жамоа кетма-кет «Пахтакор» дарвозасини уч марта ишғол қилди. Айниқса, Бахтиёр Гофуровнинг бурчак тўпини Павел Бугало ҳимоя қилаётган дарвозага қойилмақом қилиб киритиши томошабинларнинг ҳам олқишларига сабаб бўлди.

Иккинчи бўлимининг деярли тенг ярини ўтган пайтда «Сўғдиёна» 3:1 ҳисобида олдинга чиқиб олди. «Пахтакор» эса ўйин суратини охирида. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида тез-тез хавфли

вазирлар мезага келиб турди. Ана шундай вазиятда «Сўғдиёна» ўйин услубини ўзгартирмай хато қилди. Агар улар биринчи бўлимдагидек яна қайта ҳимояга ўтишганда тошкентликлар ҳисобини тенглаштириши амримаҳол эди. «Пахтакор» футболчилари ўйин сурати ошган пайтда яхши ҳаракат қилишди. «Нефтчи»ни ҳам олдинги турда тошкентликлар ана шу суръат эвазига ютганди. Учрашув тугашига жуда оз вақт қолишга қарамай, пойтахтликлар иккита тўп киритишга муваффақ бўлишди. Ҳисоб бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Лекин «Пахтакор» ҳужумчилари сўнги вазиятларда вақт танқислигидан шонқалоқлик қилишиб, бир қанча қўлай вазиятларни бой берди. Албатта, тошкентликлар сафда жароҳат олиб майдонга тушиболмаган Шуҳрат Мақсудов, Абдуқаҳор Маъруфалиев ва, айниқса, кейинги ўйинларда, шунингдек Голландиянинг «Витесс» жамоаси билан бўлган учрашувда профессионал даражада ўйин кўрсатган Мурод Алиевнинг йўқлиги сезилди.

26-тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайди қилинди: «Динамо» — «Шифокор» 3:2, «Янгир» — «Темир-йўлчи» — 1:0, «Нефтчи» — «Кушон» — 3:1, «Наврўз» — «Навбахор» — 0:0. Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЯ ЛИГАДА 26-ТУРДАН СЎНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т.М	О
1. «Нефтчи»	26	21	3	2	72:24	45
2. «Пахтакор»	26	18	5	3	63:26	41
3. «Навбахор»	26	16	6	4	54:27	38
4. «Сўғдиёна»	26	14	8	4	43:25	36
5. «Нурафшон»	25	12	5	8	39:28	29
6. «Темирйўлчи»	26	12	5	9	30:24	29
7. «Наврўз»	26	10	8	8	38:32	28
8. МХСК	26	8	8	10	34:41	24
9. «Политотдел»	26	10	2	14	48:47	22
10. «Орол»	25	9	2	14	28:47	20
11. «Янгир»	26	8	4	14	30:40	20
12. «Трактор»	25	7	6	12	19:31	20
13. «Кушон»	26	5	6	15	29:52	16
14. «Шифокор»	26	7	1	18	30:70	15
15. «Динамо»	26	6	3	17	20:45	15
16. «Чирчиқ»	25	6	2	17	33:51	14

ЭСЛАТМА: «Трактор» — «Нурафшон» (1:0), «Чирчиқ» — «Орол» (1:1) учрашувлари натижаси турнир жадалида қайди қилинмаган.

Навбатдаги тур учрашувлари 21 октябрь кунин бўлиб ўтади.

ТАШКИПОТ

- Япониянинг "Тошиби" фирмасида ишлаб қакарилган 11 киловаттдан 75 киловаттгача бўлган, минутига 750-3000 марта айланиш қувватига эга бўлган асинхрон электр двигателларни;
- Ватанимизда ишлаб чиқарилган 2,2 киловаттдан 5,5 киловаттгача бўлган, минутига 950-3000 марта айланиш қувватига эга бўлган электр двигателларни

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Мурожаат учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 78-67-21, 45-75-67.

"ТОШТГРАНСБУТЛАШ"

Ишлаб чиқариш-технологик бутлаш бошқармаси қуйидагиларни сотиб олади:

- 300x508P, 280x508P, 240x508P, 185x15 автошиналар;
- аккумуляторлар, антифриз, тормоз суюқлиги, автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари, электродлар, дераза ойналари, пўлат трубалар, ёғоч маҳсулотлари, металл прокатлари.

Бартер бўйича айирбошлаш ҳам мумкин.

Телефонларимиз: (3712) 33-51-66, 33-70-57, 32-86-87, 32-80-07.

Телефакс: (3712) 41-42-29.

Диққат!

Олимлар, мутахассислар ва фармацевтика ходимларини "Берингер Ингельхайм Фарма /Вена/ фармацевтика компанияси ва унинг маҳсулотлари" халқаро симпозиумга таклиф қиламиз. Симпозиум 1993 йил 19 октябрда Кино ўйининг залида бўлади.

Маълумот учун телефон: 78-19-58.

Ташкилий қўмита.

ЭНГ АРЗОН НАРХДА

"Тошкент" муҳандислик маркази "БОДРОК" (POPCORN) жўҳори қовурғич аппаратини таклиф этади.

Фақат бизнинг аппаратларга қилган харажатларинингиз 1-2 ойда чиқариб оласиз.

Телефонлар: 50-03-85, 50-05-90.

Маълумот: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй. (Жанубий вокзал олдида, "Гипролес" лойиҳа институтини).

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини қўшма очилган «Интернешнл хаус — Ўзбекистон» иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар икки йиллик лицейи ўрта мактаб ўқувчиларини тест натижалари асосида 10-синфга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш дастури Буюк Британия, АҚШ ва Россиянинг етакчи таълим тизимлари томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳужжатлар (ариза, тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, тебиий маълумотнома) 11 октябрдан 20 октябргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 35-75-21.

Манзил: 700000, Тошкент, Қори Ниязов кўчаси, 39, ТИҚХМИ.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирмамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУХИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўламад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВ, Садақдор ҒУЛОМОВ.

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Сатторов, навбатчи Ю. Бекмуродов.